O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 17 январь, № 10 (3809) Сешанба

## Сиҳат-саломатлик манзиллари



Ўтган йили Жиззах вилоятининг марказида ажойиб маскан қад ростлади. Унга «Меҳр-мурувват шаҳарчаси» деб ном бердилар. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандлари бу ерда истиқомат қилишади, интернатда таҳсил олишади. Ўғил-қизларнинг ота-оналари нури дийдаларини кўрмоқчи бўлишса, шинам меҳмонхона ҳам улар хизматида. Эндиликда Жиззахга ташриф буюрган меҳмонлар ушбу масканни ноёб обидалар қатори завқ билан томоша қилишяпти, бундай ғамхўрликни миннатдорлик ила таъкидлашяпти.

**Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.**

---

### Президент табригини ўқиб

*Мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётганислоҳотлар бугун ўз самарасини бермоқда. Президентимизнинг Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан йўллаган байрам табригида таъкидланганидек, ўтган давр мобайнида миллий Қуролли Кучларимизни шаклллантириш, стратегик ва тактик вазифаларни бугунги кун талаблари даражасида ҳал қила оладиган, сарҳадларимиз дахлсизлиги, мамлакатимиз ва бутун минтақамиздаги тинчлик ва барқарорликни бузишга қаратилган ҳар қандай ёвуз ҳаракат ва хуружларни бартараф этиш ва уларга муносиб зарба беришга қодир бўлган ихчам, тезкор ва ҳаракатчан, замонавий қурол яроғ ва техника билан таъминланган армияни барпо этиш йўлида кўп ишлар амалга оширилди.*

## ДИЛЛАРДАН ЖОЙ ОЛГАН КАЛОМ

Жондор туманининг Бўрибоғ қишлоғида туғилган оддий аскар Санжар Мирзаев чегара қўшинлари сафида хизмат қилди. Сарҳадларимиз дахлсизлигини қўриқлашдаги жасорати, матонати учун довюрак ўғлон Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига мувофиқ "Жасорат" медали билан тақдирланганди. Қўмондонликнинг тавсияномаси билан уйига қайтган Санжар ҳозирда чегарачи офицер бўлиш ниятида олий ўқув юртига киришга ҳозирлик кўрмоқда.

— Юртбошимизнинг Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригини телевидение орқали диққат билан эшитдим,—дейди у. — Табрикда зикр этилган бир калом мени ниҳоятда руҳлантириб юборди: «Бугун ёшларимиз учун мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафларида хизмат қилиш нафақат конституциявий бурч, балки юксак мақсад, том маънодаги шон-шараф ишига айланмоқда».

Ҳа, шак-шубҳасиз шундай. Мен ҳам ҳарбий хизматда кўп нарсаларни ўргандим. Келажакда ҳарбий соҳада фаолиятимни давом эттирмоқчиман.

Байрам табригида таъкидланганидек, ҳозир армиямизни шартнома-контракт негизида профессионал асосга ўтказиш жараёни деярли ниҳоясига етмоқда. Ҳарбий ўқув юртлари ва сержантлар тайёрлаш мактабларини модернизация қилиш, уларнинг моддий техник ва ўқув базасини мустаҳкамлаш, замонавий компьютер техникаси, коммуникация ва ахборот технологиялари ҳамда таълим воситалари билан жиҳозлаш бўйича катта иш қилинмоқда. Буларнинг барчаси ҳар қандай вазиятда ҳам ташаббускор ва самарали қарорлар қабул қилишга қодир бўлган командир ва сержантларнинг янги авлодини тайёрлаш ва тарбиялаш мақсадида амалга оширилмоқда.

Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманида яшовчи Бобоқул Бобомуродов эса шундай дейди:

— Армияда икки йил хизмат қилганман. Шунгаям мана, 30 йил бўлибди. Афсуски, биз қаториларнинг умримиз олис юртларда, бесамар ўтган. Кўпчилик дўстларимиз замонавий қурол-яроғлардан фойдаланиш сир-асрорларини ўрганиш у ёқда турсин, бутун хизмат давомида уни кўришмаган. Президент қутловини ўқиганимда, бугунги ёшларга ҳавасим келди. Ахир бундай меҳрли, ҳароратли табрикка муносиб бўлишнинг ўзи бахт-ку!

Асосийси, улар Ватан сарҳадларининг чин маънодаги ҳимоячиларига айланишган. Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони томонидан ҳарбий хизматчилар, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига ҳам катта эътибор берилмоқда. Биргина 2005 йилда уларнинг ойлик маошлари ўртача 35 фоизга оширилди, ҳарбийларни резервга бўшатишда тўланадиган тўловлар ҳажми икки марта кўпайтирилди, ҳарбий мутахассисларнинг касб маҳоратини оширишни рағбатлантиришга қаратилган қўшимча пул маблағлари ва бошқа тўлов турлари белгиланди.

Буларнинг ҳаммаси бугун армиямиздаги ислоҳотлар тўла амалга ошаётганидан дарақдир.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, "Халқ сўзи" мухбири.**

---

**Кўшхабар**

***Сиҳат-саломатлик йилининг мантиқий давоми бўлган Ҳомийлар ва шифокорлар йилида мамлакатимиз тиббиёт тизимини ривожлантириш, шифо масканлари фаолиятини яхшилаш, шифокорларни моддий ва маънавий рағбатлантириш борасидаги ишлар янада кучаймоқда.***

### ЯНГИ ШИФО МАСКАНЛАРИ

Жумладан, Сурхондарё вилоятида қишлоқ аҳолисига малакали тиббий хизмат кўрсатишга, 188 та қишлоқ врачлик пункти фаолиятини янада яхшилашга ҳаракат қилинмоқда.

Термиз туманидаги "Намуна" ширкат хўжалигида навбатдаги қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Эллик ўринли мазкур шифо масканида барча шарт-шароит яратилган. Тез кунларда Ангор ва Бойсун туманларида ҳам биттадан ана шундай тиббиёт муассасалари иш бошлайди.

**Ч.ТЎХТАЕВ, ЎзА мухбири.**

### Деҳқонободга сув чиқди

Сариосиё туманидаги Сўфиён қишлоқ фуқаролари йиғинига қарашли Деҳқонобод қишлоғида салкам уч минг хонадон яшайди. Қишлоқ ҳудудида тиббий ёрдам пункти, икки мактаб, озиқ-овқат дўкони мавжуд. Қишлоқнинг Деҳқонобод маҳалласи аҳли учун кўп йиллардан буён ичимлик суви муаммо бўлиб келмоқда эди. Бундан ўттиз йиллар аввал қазилган артезиан қудуқнинг оғзи беркитилган, ундан фақатгина занглаган қувурлар қолган эди.

Яқинда ана шу эски қудуқнинг ёнида 160 метр чуқурликда қудуқ қазилиб, маҳалла аҳолиси учун яна бир қулайлик — экологик жиҳатдан тоза ичимлик суви чиқарилди. Сув чиқариш учун жами уч миллион сўмликка яқин иш бажарилди.

— Маҳалладаги қулайликлар қанча кўп ва яхши бўлса, даладаги ишларимиз шунча серунум бўлади, — дейди С. Кассиров номидаги ширкат хўжалиги раҳбари Нурмамат Каримов.

**Ж. ТОҒАЕВ.**

---

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида**

*Парламент институти:*

## ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Халқаро муносабатларнинг устувор йўналишлари ва уларни амалга оширишда парламент институтининг ўрни" мавзуида амалий семинар ўтказилди. У Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти билан ҳамкорликда ташкил этилди. Қўмита раиси М. Тешабоев олиб борган семинарда қуйи палата депутатлари, Сенат аъзолари, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳамда Давлат ва жамият қурилиши академияси вакиллари иштирок этди.

Семинарда, халқаро муносабатларни амалга оширишда парламент институтининг ўрни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ваколатлари доирасида халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш масалалари ҳамда бугунги халқаро муносабатларнинг устувор йўналишларига бағишланган маърузалар тингланди.

Маърузалар асосида бўлиб ўтган мунозараларда мустақиллик даврида Олий Мажлиснинг халқаро муносабатлар билан боғлиқ фаолиятининг энг муҳим қирраларига алоҳида эътибор қаратилди ҳамда ҳаётимиз ҳуқуқий асосларининг шакллантирилишида парламент институтининг ўрни муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

**Зиёда АШУРОВА.**

---

**Сўнгги соатда**

*Ўтган йил иқтидорли теннисчимиз Оқгул Омонмуродова учун омадли якунланди. У йил давомида ўтказилган кўплаб нуфузли турнирларда муваффақиятли қатнашди. Ва ҳақли равишда "Йилнинг спорт маликаси" деб эътироф этилди.*

## Оқгул кейинги босқичда

Оқгул 2006 йилги спорт мавсумини ҳам муваффақиятли бошлади. Австралиянинг Мельбурн шаҳрида бошланган теннис оламидаги энг нуфузли — "Катта дубулға" туркумига кирувчи Australian Open турнирининг биринчи босқичида Оқгул Мадагаскар вакили Далли Рандриантефига қарши кортга чиқиб 6/3, 2/6, 6/1 ҳисобида ғалаба қозонди. Ҳамюртимизга иккинчи босқичда словениялик тажрибали ракетка устаси Даниэл Хантукова рақиб бўлади. Ушбу нуфузли мусобақада қатнашаётган яна бир вакилимиз Денис Истомин биринчи учрашувни турнирнинг биринчи ракеткаси швейцариялик Роже Федерерга қарши ўтказди. Мукофот жамғармаси 19 миллион АҚШ долларига тенг бўлган турнирда ҳамюртларимизга муваффақият тилаймиз.

**Ўз мухбиримиз.**

---

**Ернинг муносиб эгасини топиш — долзарб масала**

## АДОЛАТЛИ ВА ОШКОРА ТАНЛОВ

*мева-сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларини ташкил этишнинг асосий мезони бўлмоғи керак*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни босқичма-босқич, изчиллик билан олиб борилаётганлигининг яна бир исботидир.

Ушбу Фармон мамлакатимизда мева-сабзавот маҳсулотлари ва узум етиштириш, уни қайта ишлашни ривожлантириш, тармоқ самарадорлигини ошириш ва сифатини янада яхшилаш, шунингдек, зарур экспорт базасини яратиш билан боғлиқ энг муҳим шартларни белгилаб берди. Бу шартлар нималардан иборат?

**Биринчидан,** тармоқда бозор иқтисодиёти тамойиллари ва нормаларини ҳамда шартнома муносабатларини кенг жорий этиш ва узумчиликка ихтисослашган қишлоқ хўжалиги кооперативлари(ширкатлари)ни Ўзбекистон Республикасининг "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги **Қонуни талабларига қатъий мувофиқ равишда, мавжуд ихтисослашувни сақлаган ҳолда фермер хўжаликлари этиб қайта ташкил қилиш.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги 255-қарорига мувофиқ, шу йилнинг биринчи чораги давомида 210 та мева-сабзавот ва узумчиликка ихтисослашган ширкат хўжалиги тўлиқ тугатилиб, улар негизида ана шу соҳаларга ихтисослашган фермер хўжаликлари тузилади.

Тугатилаётган хўжаликларнинг 32 минг гектар токзор ва 24,7 минг гектар боғи – ер участкалари мазкур соҳалар бўйича касбий билим, иш стажи ва малакаларига эга талабгорлар ўртасида "Кимошди" савдоси орқали аниқланган ғолибларга узоқ муддатга фермер хўжалигини ташкил этиш учун берилади.

Бу хўжаликларнинг 85,6 минг гектар экин майдони эса, амалдаги тартибларга мувофиқ, адолатли ва ошкора танловлар ғолибларига фермер хўжаликларини ташкил этиш учун ажратилади.

Ҳар бир тугатилаётган хўжаликни қайта ташкил этиш учун туман ҳокими қарори билан махсус комиссия ташкил этилади. Бу жараёнларни Фармон талаблари асосида уюштириш вазифаси айнан шу комиссияга юклатилади.

Мева-сабзавотчиликка ихтисослашган ширкат хўжаликларининг ер майдонларида икки хил усул билан фермер хўжаликлари ташкил этилади.

**Дастлабки усул** – фермер хўжаликларига айлантирилаётган мева-сабзавотчиликка ихтисослашган ширкат хўжаликларининг **экин майдонлари амалдаги қонунларга кўра, махсус комиссиялар томонидан очиқ ва ошкоралик асосида адолатли танловлар** ўтказиш йўли билан фермерларга берилади. Бунда тенг шартлар бўлгани ҳолда, мазкур ер участкасида оилавий пудрат асосида ишлаб келган ширкат аъзосига ғолиблик ҳуқуқи берилади.

**Иккинчи усул – боғ ва токзорлар асосий восита сифатида талабгорларга "Кимошди" савдоси орқали сотилади.** Савдоларда мазкур соҳа бўйича касбий билим, иш стажи ва малакаларига эга бўлган талабгорларга алоҳида эътибор берилади. Боғ ва токзорлар жойлашган ер майдонлари "Кимошди" савдоси ғолибларига узоқ муддатга ижарага берилади. Аммо бўлажак фермер хўжаликлари томонидан ер майдонларини ҳадя қилиш, сотиш, гаровга бериш, айирбошлаш ва иккиламчи ижарага бериш тақиқланади. Ҳар бир фермер хўжалиги раҳбари бириктирилган ер майдонини бошқа кишига ижарага бермасдан, балки ўзи тўлақонли меҳнат қилиши керак.

Маълумки, қонунчилигимизда полиз, боғ ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг энг кичик ер майдони 1 гектар этиб белгиланган.

Қайта ташкил қилиш комиссияси туман ер тузиш хизмати билан ҳар бир хўжаликнинг ер контурлари, сув таъминоти ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олиб, бир гектардан кам бўлмаган фермер хўжаликларини ташкил этиш лойиҳасини тайёрлайди. Бу лойиҳа туман ҳокими томонидан тасдиқланади.

Боғ ва токзорларга бўлган талабгорларни эътиборга олиб тугатилаётган ширкат хўжалиги умумий йиғилиши қарорига мувофиқ, "Кимошди" савдоси фақат ширкат хўжалиги пайчилари ва аъзолари ўртасида ёпиқ савдо тарзида ҳам ўтказилиши мумкин.

**Иккинчидан,** тугатилаётган ширкатлар ҳудудида **зарур ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси** — муқобил машина трактор парклари, сувдан фойдаланувчилар уюшмалари, ёнилғи-мойлаш материаллари ва минерал ўғитлар сотиш шохобчалари, мини банклар, турли тара идишлар ишлаб чиқариш ва сотиш пунктлари барпо этиш.

Президент Фармони ва Қарорида тугатилаётган ширкат хўжаликлари ҳудудида янгидан ташкил этилаётган фермер хўжаликлари ва аҳолига турли ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини ташкил этиш кўзда тутилган.

Фақат 2006 йилда қуйидаги ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмалари ташкил этилади: 191 та муқобил машина-трактор парки, 118 та сувдан фойдаланувчилар уюшмаси,

(Давоми 2-бетда).

---

***Ҳарбийлик — машаққатли, айни пайтда шарафли касб. Шарафи шундаки, у эл-юртини ҳимоя қилишдек юксак бурчини адо этади. Машаққати эса барча хавф-хатарга қарши ҳар қандай шароитда жанговар ҳолда туриши лозим. Бу эса осон иш эмас. Иссиқ жон, ҳарбийларнинг ҳам тоби қочиши мумкин. Бунда уларнинг буткул соғайиб кетиши ва яна тезда жанговар сафга қайтишини таъминлаш хайрли амаллардандир.***

## «МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ»

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Марказий ҳарбий клиник госпиталида Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб, "Мардлар қўриқлайди Ватанни" мавзуида ўтказилган учрашувда ана шулар ҳақида гап борди. Тадбир Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги томонидан Республика Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Унда Юртбошимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ ҳарбийларнинг турмуши, маданий ва маиший шароитлари янада яхшиланаётгани алоҳида таъкидланди. Зеро, Президентимизнинг куни кеча Ватан ҳимоячиларига байрам табригида қайд этилганидек, ўз ҳаётини дунёдаги энг муҳим ва олижаноб вазифа — Ватан ҳимоячиси деган шарафли касбга бағишлаган инсонлар давлатимиз ва жамиятимизда юксак ҳурмат ва эҳтиромга муносиб бўлиб қолаверади.

Ҳарбийлар саломатлигини тиклашда шифокор ва ҳамшираларнинг хизмати катта. Ҳомийлар ва шифокорлар йилида улар зиммасидаги масъулият янада ошади.

Тадбирда ушбу ҳарбий клиник госпиталнинг илғор шифокорлари ва ҳамшираларидан бир гуруҳига байрам совғалари топширилди. Ватан ҳимоячилари шаънига санъаткорлар томонидан куй-қўшиқлар янгради.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова сўзга чиқди.

**Жасур КЕНГБОЕВ (ЎзА).**

## Миллий қадриятларимизни асрайлик

**_Мамлакатимиз Президенти янги йил арафасида "Ёшлик" талабалар шаҳарчасидаги учрашувларда айтган мулоҳазалари ва кўрсатган йўл-йўриқлари жамоатчилик ўртасида шу куннинг энг долзарб вазифаларига диққат-эътиборни қаратди. Мавзуга доир матбуот чиқишлари жонланди. Хусусан, публицист М.Саидовнинг "Халқ сўзи" газетасининг 7 январь сонида эълон қилинган "Эркин ва фаровон ҳаётни юксак маънавиятсиз қуриб бўлмайди" сарлавҳали мақоласида мавзу бирмунча кенг ва изчил ёритилгани фикр-мулоҳазани янада кенгроқ миқёсларда давом эттиришга ундади._**

# ЖОЗИБАДОР ОРЗУНИНГ ЮКИ

### Маънавиятнинг суратлари

Биз болалик кезлар ҳозирги "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳудуди экинзор, бедазор, боғ-роғ мевазор... қамишзор жарлардан иборат эди. Тошкентнинг бу томонларига автоулов қатнамас, якка-ёлғиз бегонанинг эса йўлашга юраги бетламас эди. 60-йилларнинг бошлари, айниқса, 1966 йилги зилзиладан кейин олий ўқув юртлари бинолари, тўрт қаватли ғиштин, кейинроқ эса тўққиз қаватли бетон деворли ётоқхоналар пайдар-пай қад ростлади. Республикамизнинг барча вилоятлари, собиқ Иттифоқ республикалари, ҳатто хорижий ўлкалардан келган талабалар издиҳомига айланган бу маскан одамлар тилида "Вузгородок" деб аталар эди.

"Городок"нинг бош хусусияти, ўзига хослиги, жозибасию ташвиш-муаммолари ҳам мана шу гавжумлик ва издиҳом билан боғлиқ эди. Бозор, дўкон, алоқа бўлими, телефонхона, умумий овқатланиш, ҳордиқ чиқариш, ёшларнинг жони дили бўлган спорт ўйинлари учун шарт-шароит ниҳоятда ночор эди. Ётоқхоналар ичидаги "шарт-шароит"ни-ку, асти қўяверасиз! У ётиш-туришлар, у газхона-ошхоналар, у озодалик-саришталик хоналари... кўз ўнгингдан ўчмайдиган ўша манзаралар шароитида неча-неча авлод талабалар олий маълумотли деган мартабага эришиб кетишмади!..

Мустақиллик шарофати билан унча-мунча дунё кўриб, юртимизда тўхтовсиз давом этаётган қурилиш-бунёдкорлик ишларидан баҳра ола туриб бир нарсани ўйлаб кетасан, киши: нима сабаблардан яқин-яқингача қулай, чиройли, ораста яшашга эътибор қилинмаган? Уй-жойларимизнинг бичимига, ранг-тусига, табиий ҳолат — ландшафтга аҳамият берилмаган? Дизайн нафосати ва жозибаси хаспўшланган?

Маблағ бўлмаган, дейишлари мумкин. Йўқ, хоҳиш бўлса, маблағ топилган, аслида маданиятлироқ, бежиримроқ, гўзалроқ, бойроқ ва тўкинроқ яшашни ўзимизга эп билмаганмиз, раво кўрмаганмиз. Бунинг ўрнига камбағалликдан, ночорликдан фахрланганмиз. "Мана, кўриб қўйинглар, мана шундай ночор шароитда ҳам бизнинг ёшлар билим олаверади!" дея кўксимизга урганмиз. Ваҳоланки, Ўзбекистоннинг ўсмир ўғил-қизлари ҳам дунёнинг ман-ман деган мамлакатларидаги сингари шароитларда — кошоналарда таҳсил олишга, кўрар кўзни қувнатадиган турар жойларда яшашга ҳақли эканлар!

Бугун "Ёшлик" шаҳарчасини пиёда кезган киши борки, хаёлидан шундай ўйлар кечиши муқаррар.

Мақоламизнинг аввалида тилга олинган публицист М. Саидов маънавият соҳасининг энг мушкул муаммоларидан бирини, яъни маънавият борасида эришилган натижаларнинг кўзга кўринмаслигини, уни қандайдир ўлчамлар билан ўлчашнинг қийинлигини ёзган. Бир қарашда тўғри туюлган ушбу мулоҳазага андак аниқлик киритишга тўғри келади: "Ёшлик" шаҳарчасидаги талабалар тураржойлари, уларнинг ички ва ташқи қиёфаси, йўлка ва хиёбонларнинг барча гўзаллигию жозибасини бир сўз билан "Маънавиятнинг суратлари" дегинг келади!..

### Ботиндаги парокандалик

Маънавият аслида ботиний ҳодиса. Унинг инсон ботинидаги манзараларини истаганча тасвирлаш мумкин. Лекин маънавий комиллик ҳар бир кишининг ҳаёт ва яшаш тарзида ҳам акс этади. Мазкур ички ва ташқи жараёндаги боғлиқлик, алоқадорлик биринчи навбатда тарбияда, ахлоқ-одобда зоҳирлашади. Алоқадорлик жараёни икки йўналишда давом этади – гоҳ ташқи муҳит қалб ва шуур қатламларини гўзаллаштирса, ўз навбатида ботиний гўзалликдан ташқи муҳит нур, зиё олади. "Кўча шу қадар зимистон эдики, қоронғилик кишини беихтиёр жиноятга ундайди" деган мазмундаги тасвир келади буюк рус адибларидан бирининг ижодида. Давлатимиз раҳбари худди шу таърифнинг аксига эътиборни қаратди: мана шундай чиройли, қулай шароитда яшайдиган йигит-қизларимизда янада яхшироқ билим олишга, соғлом фикрлашга, ватаннинг қадрига етишга иштиёқ ортади! Бундай шароитда яшайдиган ҳар қандай талабанинг кўнглида яратилган шароитга, имкониятга муносиб бўлиш туйғуси кўз очади. Ана шу муносиблик туйғусининг аҳамияти бугунги кунда ҳар қачонгидан кўра жиддийроқ, долзарброқ тус олмоқда. Ҳаёт-мамот масаласига айланмоқда.

Вазиятнинг жиддийлигини, долзарблигини, хатарлилигини аниқ тасаввур қилиш учун нимага, қандай хавф-хатарга қарши курашмоғимиз лозимлигини тушуниб олмоғимиз керак бўляпти.

Муайян миллатга мансублик, муайян миллий анъаналар ва қадриятларга садоқат туйғуси ҳар қандай кишининг ирсиятини, менталитетини, ўзлигини, ахлоқ-одобини асровчи, мустаҳкамловчи, шакллантирувчи, келажагини белгиловчи мустаҳкам омил ҳисобланади. Бироқ ҳар қандай миллийлик бошқа миллийликлар қуршовида яшайди, уларнинг таъсиридан холи қолишнинг биринчидан, иложи йўқ, иккинчидан эса, буни табиий ҳолат деб бўлмайди. Лекин икки хил маданият, икки хил маънавият, икки хил миллий қадриятлар орасида тарбия топадиган, вояга етадиган индивид учун ўзлигини асраш, ўз қиёфасини сақлаш ниҳоятда мушкул кечади. Ботиндаги парокандалик унинг шахсини, шахсиятини парокандаликка олиб боради. Мазкур руҳий ҳолатга ҳозирги глобаллашув жараёнлари хусусиятларидан келиб чиқиб ёндошадиган бўлсак, XXI аср кишиси учун нақадар оғирлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Бизнинг замондош икки ё уч-тўрт эмас, балки беҳисоб миллий, ғайримиллий, устига-устак, миллийлик сиёқи, тайин-тутуруғи бўлмаган тушунчалар, "қадрият"лар гирдобида яшашга маҳкум! Бу гирдобга бас келадиган ҳам бор, унинг осонгина қурбонига айланадиган ҳам етарли. Қалб ва тийнат гавҳарининг шикастланишига йўл қўймаган инсонгина ўзини зарарли таъсиротлардан асрайди, акс ҳолда...

### Уйимиз тўридаги офат

Цивилизация инсониятни глобаллашув мақомига кўтарди, "глобаллашув" дея аталмиш... балога гирифтор қилди!

Ҳар соҳадаги, айниқса, ахборот соҳасидаги глобаллашув аслида мўъжиза, унинг хосиятини санаб адоғига етиш қийин, афсуски, дастлабки оддий пичоқнинг яратилиши ҳам ...атом бомбасининг яратилиши ҳам ўз даврида мўъжиза ҳисобланган. Атом бомбаси деганда жуда кўпчиликнинг кўз ўнгида Хиросима ва Нагасаки қирғини манзаралари гавдаланади, беихтиёр "Аллоҳ кўрсатмасин!" дея тавалло қилиб юборади, одам. Бироқ ҳозирда шиддат билан ривожланиб бораётган ахборот глобаллашуви моҳиятида "пусиб" ётган ёвузлик бундан ярим аср муқаддам япон халқи бошига тушган фожиадан, 2004 йилнинг сўнгги кунларида Жануби-шарқий Осиё мамлакатларидаги цунами офатидан даҳшатлироқ. Донишмандлардан бири инсон руҳидаги бузуқлик ҳам табиий офат деганда, шу маънода минг карра ҳақ эди.

Энг даҳшатлиси, бомба ёки тўфон оқибатлари кўзга ташланади, ҳаммаёқни вайрон қилади, жондору жонзотни уй-жойига қўшиб кунпая-кун қилади. Глобаллашаётган ахборот воситалари эса ниҳоятда "беозор", уни емай-ичмай жамғарган пулимизга сотиб оламиз, уйимизнинг тўрида авайлаб сақлаймиз, вақтимизни, билимимизни сарфлаб ундан унумли фойдаланишни ўрганамиз, бундан фахрланамиз, бошқаларни ҳам ўзимиздан ибрат олишга ундаймиз. Ҳар бир оилада, чораси топилса, ҳар бир кишида компьютер, ҳар бирида интернет тармоғи бўлишига эришишни замонавий тараққиётнинг бирламчи шарти сифатида тарғиб-ташвиқ этамиз ва... компьютернинг, интернет ўзанидан оқиб-тошиб келаётган ахборот оқимининг қулига айланиб қолаётганимизни сезмай қоламиз, кечагина фарзандимиз ёки неварамизнинг интернетдан эмин-эркин фойдалана олаётганини фахрланиб, мақтаниб айтиб юрганимизни унутиб, энди уни Интернет балосидан асраш йўлини тополмай хуноб бўламиз.

Ота ёки она кўчага отланаётган ўғлининг қулоғига, "Ёмон болаларга қўшилма!" деган танбеҳни қуйишдан чарчамасди, чунки улар ёмон болалар фарзандини йўлдан уришидан хавотирланишган. Энди эса ўша "ёмон" болалар интернет қиёфасида уйимизга кириб олмоқда. Энди норасида ўғлимиз ё қизимиз уйимиздан чиқмай туриб ҳам бузилиб улгуриш имконига эга бўлмоқда.

Нима қилмоқ керак? Ҳаёт ё мамот йўли қаерда?

Бу каби кўндаланг саволлар буюк инглиз Шекспир, улуғ рус зиёлиси Гончаров ва Чернишевскийлар давридагидан ўн, юз, минг карра мураккаброқ, мушкулроқ кўринишда асримиз одамларини оғир ва уқубатли ўйларга ундамоқда. Энг замонавий муаммоларга энг замонавий жавоблар топиш вазифасини кўндаланг қўймоқда.

"Ёшлик" шаҳарчасидаги учрашувлар чоғида муҳтарам Президентимиз барча юртдошларимизни, айниқса, халқимизнинг илғор қатлами бўлмиш зиёлиларни айни шу муаммога жавоб топишга даъват этди.

### Ўз тақдирингни ўзинг асра!

Баён этилаётган мулоҳазаларни ўқиган газетхон каминани интернетнинг ашаддий душманига чиқариб қўймас деб ўйлайман. Зеро, ўзим интернетнинг туганмас жинкўчаларига бош суқмаган куним кам бўлади. Бинобарин, бу мўъжизага адоқсиз ашъор ўқишим ҳам мумкин. Мухтасар тўхталадиган бўлсак, муаммонинг ғоятда нозик жойи шундаки, бундан кейинги инсоният тараққиётини ахборотнинг глобаллашувисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Жамиятларнинг илғорлигини, етуклигини, демократлашганлигини белгиловчи асосий мезонлардан бири ҳам ахборот майдонидаги эркинлик даражаси бўлиб қолмоқда. Шахснинг комиллик даражаси унинг ахборотга бойлиги, истаган дақиқада истаган ахборотини исталган миқдорда ола билиши билан белгиланмоқда. Республикамизда шунга доир қулай шарт-шароитларни яратиш мустақиллик йилларида давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу борада амалга оширилаётган ҳуқуқий, ижтимоий, илмий-назарий, техник ва ҳоказо ислоҳотлар самаралари халқимизнинг кундалик турмушида тобора кенгроқ ўз аксини топмоқда. Бироқ, гап дунёнинг яхлит бир ахборот "маконча"сига айлана бораётгани, кишиларимизнинг ана шу "маконча"дан муносиб ўрин эгаллагани ҳолда, инсоний ва миллий-маънавий ўзлигини, шахси-камолини сақлаб қолиши ҳақида бормоқда. Ёшларимизни ўша ахборот тўфони қурбонига айланиб кетишидан асраб қолиш ҳақида бормоқда. Ўзбекистон, ўзбекистонликлар келажагини ўйлаб жонлар ўртанмоқда!

Интернет тизимидек мислсиз техник воситанинг нопок мақсадларда фойдаланишга ружу қўйиш авж ола бораётганига урғу берилмоқда.

Мана шундай ташвишлар таъсирида интернет тизимидан фойдаланиш меъёрларини ишлаб чиқиш, тартибга солиш тизимини яратиш эҳтиёжи кун сайин етилиб келаётганидан оғиз очилса борми, шу заҳоти демократияни байроқ қилиб нах урадиган, эркин ахборот оқими бўғилаяпти, дея аюҳаннос соладиганлар топила қолади. Нақадар жозибадор сўз — демократия! Нақадар улуғ орзу — демократия! Ўзбекистон ўн беш йил бурун танлаган йўл — демократия! Минг афсуски, мана шундай беқиёс мўъжизани инсон ҳаётини заҳарлашга, инсондек мукаррам зотни таназзул ва разолат сари етаклашга хизмат қилдирадиган кучлар борлигига нима дейсиз?!

Глобаллашув мўъжизаси асосчиларидан бири интернет тараққий эта боргани сари миллий ўзига хосликлар арзимас нарсага айланиб боради ва аста-секин унутилиб кетади дея беписандларча башорат қилган эди. Биз ана шу "арзимас нарса"нинг айни арзийдиган нарса эканлигини, ўзбек халқи унинг унутилиб кетишига у дунёю бу дунё тоқат қила олмаслигини кенг оммага кўпроқ, таъсирлироқ тушунтира, уқдира олишимиз зарур бўлмоқда.

Бир пайтлар "ахборот империализми", "ахборот экспансияси" дея ном олган зўравонликлар эндиликда ахборот маконидаги ҳукмронлик ва ахборот хуружи қиёфасига кирмоқда. Бу баднsocial хуруждан муҳофазаланишнинг мураккаблиги унинг индивидуал тус олиши билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Таъбир жоиз бўлса, дунё океанидан ёпирилиб келаётган тўфондан асраниш, омон қолиш юки ҳар кимнинг, ҳар каттаю кичикнинг шахсан ўз зиммасига тушмоқда. Муҳтарам Юртбошимизнинг, "Ўз уйингни ўзинг асра!" деган даъватини давом эттириб, "Ўз тақдирингни ўзинг асра!" деган шиорни бошимиз узра кўтаришга тўғри келмоқда.

### Устоз кўрган шогирд

Сўз юритилаётган муаммонинг ечимини топишда халқимизга хос донолик билан сихни ҳам, кабобни ҳам куйдирмаслик чораси ихтиро қилинади албатта. Лекин замон ўзгаришлари кўндаланг қўяётган ҳар қандай муаммога бас келувчи азалий ва боқий куч бор, бу – тарбия! Ўтиш даврини бошдан кечираётган ҳар қандай жамиятда тарбиянинг аҳамияти олдинги ўринга чиқади. Абдулла Авлоний даврида ҳам, ҳозир ҳам вазият қарийб ўхшаш, фақат ҳозирги ўтиш даври ўтган асрнинг бошларидагидан кўра юз, минг карра қалтисроқ, нозикроқ. Шунинг учун ҳам тарбиянинг аҳамиятини ҳар қачонгидан юқорироқ кўтариш кун тартибининг ғоятда долзарб вазифаси бўлиб қолмоқда.

Тарбия ҳам серқирра тушунча. Оила, жамоа, жамоатчилик орасида... Болалар боғчасида, мактабда... Ўқув юртларида... Аёллар орасида, эркаклар орасида... Маҳалла-кўйда... Авлодлар орасида... Устоз-шогирдлар орасида...

Дарвоқе, халқимиз ҳаётида минг йиллардан буён устоз-шогирдлик институти мавжуд-ку! Қон-қонимизга сингиб кетган ушбу ниҳоятда ноёб, ниҳоятда самарали, ниҳоятда синашта шу тажрибадан ҳозирги ёш авлод вакилларининг маънавий соғломлигини таъминлашда фойдаланишимиз мумкин! Илм-фанда бўладими, касб-ҳунардами, бошқа соҳалардами — қатъи назар, устоз-шогирдлик муносабатини вужудга келтириш айни муддао бўлур эди. Устознинг шогирдга меҳри, шогирднинг устозга бўлган ҳурмати — икки томонлама оқибат ва садоқат туйғулари илм ўрганиш, ҳунар орттириш, сабоқ олиш билан чекланибгина қолмай ёш авлоднинг ўзидан катта авлодга инсон сифатида муносиб бўлишга одатлантиради. Бундай муносиблик туйғуси авлодлар ўртасидаги тарбиянинг давомийлигини таъминлайди.

Халқимизда, устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар, деган пурҳикмат нақл бор. Қатъий ҳаётий маслаги бўлмаган, ланж ва лоқайд, такасалтанг, енгилтак ва ишёқмас ёшларнинг кўпайиши устоз кўрмаслик касофати дейиш мумкин. Бундай ёшларнинг турли мақомга йўрғалашдан — тайин-бетайин "устоз"лар этагини тутишдан ёхуд ўзининг худбин хаёлларига сиғинишдан ўзга чораси қолмайди...

... Мустақиллик осонлик билан қўлга киритилмаганидек, осонлик билан мустаҳкамланмайди ҳам. Давр ва замон ўйинлари кишиларимизни фавқулодда ва пешма-пеш синов чиғириқларига солаверади. Лекин шу нарсани зинҳор унутмаслигимиз керакки, ўзбек халқининг тийнатидаги энг азалий ва ардоқли фазилатларнинг ҳар қандай синовларни енгишга салоҳияти, қудрати етади.

**Хуршид ДЎСТМУҲАММАД,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси.**

## Ернинг муносиб эгасини топиш — долзарб масала

# АДОЛАТЛИ ВА ОШКОРА ТАНЛОВ

*мева-сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларини ташкил этишнинг асосий мезони бўлмоғи керак*

(Давоми. Боши 1-бетда).

46 та ёнилғи-мойлаш материаллари сотиш ва 42 та минерал ўғит сотиш шохобчаси, 92 та мини банк, 196 та қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қабул қилиш пункти, 77 та транспорт хизмати ва 73 та турли тара идиш билан таъминлаш шохобчаси, 30 та ахборот-консалтинг маркази.

Ташкил этилаётган ана шу ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмалари, биринчи навбатда, деҳқон оғирини енгил қилиш, деҳқон манфаатидан келиб чиқиб, сифатли ва кўпроқ маҳсулот етказиб бериш мақсадида унга хизмат кўрсатса, иккинчидан, бу соҳаларни ривожлантириш қишлоқда янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли бандлигини оширишга, тадбиркорликни ривожлантиришга хизмат қилади.

**Учинчидан,** фермер хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашнинг тез мослашувчан замонавий кичик технологияларидан фойдаланадиган, шу жумладан, хорижий инвесторлар иштирокидаги **агросаноат фирмаларини ихтиёрийлик асосида шакллантириш, мавжуд қайта ишлаш корхоналарини модернизация қилиш, мева ва сабзавот маҳсулотлари экспортини кенгайтириш.**

Фармонда, шунингдек, янгидан ташкил этилаётган фермер хўжаликлари фаолият юритишининг асосий тамойил ва шартлари ҳам белгилаб берилган. Жумладан:

тугатилаётган ширкатлар негизида барпо этилган фермер хўжаликлари ўз фаолиятларини **хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан тўла қоплаш** тамойиллари асосида амалга ошириш;

фермер хўжалигида ходимлар, жумладан, хўжалик эгасининг оила аъзолари, шунингдек, вақтинча(мавсумий) ёлланадиган фуқаролар ўртасидаги **меҳнат муносабатларини меҳнат шартномалари (контрактлари) тузиш** йўли билан тартибга солиш;

мева-сабзавотчилик ва узумчилик фермер хўжаликларининг қайта ишлаш корхоналари ва хизмат кўрсатувчи тузилмалари билан ўзаро муносабатларини, **маҳаллий бошқарув органлари аралашмаган ҳолда, тузилган узоқ муддатли шартномалар,** шу жумладан, фьючерс шартномалари асосида амалга ошириш белгилаб қўйилган.

Сир эмас, мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари тез бузилувчанлиги сабабли, айни пишиқчилик вақтида, бир томондан, 30 фоизгача нобуд бўлса, иккинчи томондан, уларнинг нархлари арзонлашиб кетиб, деҳқонлар даромадининг камайишига сабаб бўлмоқда. Шу боис Президентимизнинг Фармонида жойларда фермер хўжаликлари **ихтиёрий равишда бирлашиши натижасида агрофирмалар ташкил қилиш** ва етиштирилаётган мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини тўлиқ сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга тайёр ҳолда етказиш кўзда тутилган.

Агрофирмалар мева-сабзавот ва узум етиштириш ҳамда уни тўлиқ қайта ишлашни ривожлантириш асосида тармоқ самарадорлигини ошириш, ташқи бозорга рақобатбардош маҳсулот етказиш натижасида экспорт ҳажмини кўпайтириш ва валюта тушумини оширишда муҳим омиллардан ҳисобланади. Умуман, ихтисослашган агрофирмалар фаолияти пировард натижада халқимизнинг турли мева-сабзавотларга бўлган талабини қондириш ва фермер хўжаликлари даромадини кескин оширишга олиб келади. Агрофирма муассислари – фермер хўжаликлари тузилган ширтномадан ташқари етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотини ўз хоҳишига қараб, ички бозорга сотиш ёки ўзаро шартнома асосида ташқи бозорга экспорт қилиши мумкин.

Агрофирмалар таркибига фермер хўжаликлари билан бир қаторда замонавий қайта ишлаш технологияларига эга бўлган ёки яқин ҳудудда жойлашган мева-сабзавот ва узумчилик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар ҳам кириши ва бунда агрофирмаларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли муассислар талаби бўйича турлича, жумладан, хорижий сармоядорлар улушини қўшган ҳолда қўшма корхоналар шаклида ҳам ташкил қилиниши мумкин.

Президент Қарорида қайта ишлаш корхоналарининг экспорт салоҳиятини кучайтириш мақсадида уларни модернизация қилиш ва техник қайта қуриш учун инвестиция лойиҳалари ҳам тасдиқланган.

Ушбу мақсадларда 2010 йилгача соҳага 11,2 млн. АҚШ долларилик инвестициялар, шу жумладан, 3,6 млн. долларилик чет эл сармоялари киритилиши мўлжалланган.

Бу сармоялар мева-сабзавот ва узумчиликдаги мавжуд салоҳиятдан янада самарали фойдаланиш, янги иш ўринлари яратиш ва мамлакат экспорт имкониятларини оширишга хизмат қилади.

**Тўртинчидан,** қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил қилишда, ўз меҳнати натижалари, етиштирилган маҳсулот ва даромадларини тасарруф этишда **фермернинг ҳуқуқлари ва мустақиллигини кенгайтириш,** шунингдек, шартнома мажбуриятларини бажариш ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун **уларнинг ҳуқуқий жавобгарлигини ошириш.**

Фармонга мувофиқ, фермер хўжаликларида янги боғ ва узумзорлар яратиш, мавжуд боғ ва узумзорларнинг ҳосилдорлигини оширишни иқтисодий рағбатлантириш мақсадида **янгидан барпо этиладиган боғдорчилик ва узумчилик фермер хўжаликлари ягона ер солиғи тўлашдан 5 йил муддатга озод қилинадилар.** Ушбу имтиёз бўлажак фермер хўжаликларини ўз ерларида мевали дарахт ва узумларнинг серҳосил навларини экиш, мева-сабзавот ва узумчиликдан юқори ҳосилга эришиш борасида барча агротехника тадбирларини сифатли ва ўз муддатида бажаришга имконият яратади ва истиқболда уларни самарали фаолият кўрсатишини таъминлайди.

Бундан ташқари, **янги ташкил этиладиган агросаноат фирмалари даромад(фойда) солиғи, ер солиғи, мулк солиғи, қўшилган қиймат солиғи(импортга қўшилган қиймат солиғидан ташқари), ягона солиқ тўлашдан 3 йил муддатга озод қилиниши кўзда тутилган.**

Солиқ солишдан бўшайдиган маблағлар агрофирмаларда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашни ривожлантириш, фермер хўжаликларида боғ ва узумзорлар барпо этишни кенгайтириш ҳаракатини қўллаб-қувватлайди. Бизнингча, бу имтиёзлар пировард натижада қишлоқда янги иш ўринларини ташкил этиш ва меҳнат бандлигини ошириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини мустаҳкамлайди.

**Абдувоҳид ЖЎРАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари.**

## ФАН-ТЕХНИКА *янгиликлари*

### Замонавий усуллар асосида

**_Самарқанд туманидаги «Гулобод-мебель» масъулияти чекланган жамияти икки йилдирки, ички истеъмол бозорини сифатли мебеллар билан таъминлашга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда._**

Ўтган йили мазкур корхона цехларига Россия Федерациясидан келтирилган ёғочни қайта ишловчи, серунум замонавий технологиялар ўрнатилган эди. Натижада жамиятда қўшимча йигирма бешта янги иш ўрни яратилди, йигирма турдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқариш имкони туғилди.

— Замонавий асбоб-ускуналарни келтиришда Савдо-саноат палатасининг вилоят ҳудудий бошқармаси бизга яқиндан кўмак берди, — дейди жамият раиси Ф.Раҳматов. — Айни пайтда мебелларимиз маҳаллий бозорда ўз ўрнини эгаллади, илғор технологиялар боис уларнинг нархи бирмунча арзонлашди. Яқин орада маҳсулотларимизни хорижга экспорт қилишни режалаштиряпмиз.

### Билимлар синови

**_Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 2-академик лицейда умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари ҳамда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари талабалари ўртасида фанлар олимпиадасининг Қорақалпоғистон босқичи ўтказилди._**

Чуқур билим ва заковат синови бўлган мазкур тадбирда 500 дан ортиқ йигит-қиз 18 фан йўналиши бўйича ўз билим ва иқтидорини намоён этди. Улар амалий ва тест топшириқларини, физика, химия ва биология фанларидан эса лаборатория ишларини бажарди.

Энг иқтидорли ўқувчилар орасидан ғолиблар аниқланиб, уларга олимпиаданинг якуний босқичига йўлланма берилди.

### «XX аср ўзбек адабиёти»

**_"Шарқ" матбаа-нашриёт компанияси Бош таҳририятида таниқли олим, профессор Сайдулла Мирзаевнинг "XX аср ўзбек адабиёти" монографияси нашрдан чиқарилди._**

Монография тугал ва яхлит тадқиқот. Асосан олий ўқув юрти талабалари учун мўлжалланган ушбу китоб икки қисмдан иборат. Биринчи қисмда XX аср ўзбек адабиёти тараққиётининг асосий босқичлари ва белгилари, бу бой маънавий хазинанинг яратилиш жараёни, шу соҳадаги саъй-ҳаракатлар ва қийинчиликлар, янги адабиётдаги анъана ва новаторлик тамойиллари батафсил баён этилган. Китобда XX аср ўзбек адабиёти аввалги тўхтамлардан фарқли равишда тўртта катта даврга ажратилиб ўрганилган.

С. Мирзаев тадқиқотининг яна бир муҳим фазилати шундаки, унда янги ўзбек адабиёти бунёдкорлари ижодининг умумий хусусиятлари билан бир қаторда, ҳар бир шоир ва ёзувчининг ҳамкасблари ижодидан фарқ қилувчи ўзига хос хусусиятлари кенг очиб берилган.

### Интернет клублари — коллежда

**_Фарғона вилояти ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси ташаббуси билан Марғилон шаҳридаги касб-ҳунар коллежларида "Интернет клуб"лар ташкил этилди._**

— Мақсад ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишдан иборат, — дейди ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Жалолхон Ғофуров. — "Интернет клуб"ларда нафақат коллеж ёшлари, балки маҳалла йигит-қизлари ҳам компьютер сабоқларини олиши мумкин. Айни кунларда Марғилон шаҳридаги ана шундай клубларда 300 дан ортиқ йигит-қиз бепул билим оляпти.

— Компьютерга жуда қизиқаман, — дейди Алишер Навоий маҳалласида яшовчи 3-ўрта мактаб ўқувчиси Ўктамжон Абдуллаев. — Ҳозир устозларим кўмаги билан Марғилон шаҳрининг сайтини яратиш устида ишлаяпман. Бу севимли шаҳримнинг 2000 йиллик юбилейига совғам бўлади.

### Сутбулоқдаги янги мактаб

**_2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида ҳужжатга мувофиқ ўтган йили Жиззах вилоятида олтмишта мактаб биноси қайта реконструкция қилинди._**

Зарбдор туманининг Сутбулоқ қишлоғида жойлашган 12-мактаб — уларнинг бири.

"Жиззахэлектрмонтаж" масъулияти чекланган жамияти бинокорлари томонидан қайта бунёд этилган икки қаватли мактаб биноси 260 ўқувчига мўлжалланган. Бу ерга эллик миллион сўмлик мактаб жиҳозлари келтирилди. Замонавий компьютер синфи, спорт зали ҳам ўқувчилар хизматида.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ тайёрлади.**



### Самарадорлик наслга боғлиқ

**_Ўтган йили Сирдарё вилоят Давлат ветеринария хизмати томонидан аҳоли, ширкат ва фермер хўжаликларидаги чорва молларига қарийиб 55 миллион сўмлик зооветеринария хизмати кўрсатилди._**

Таъкидлаш жоизки, мавжуд 46 та ветеринария шохобчасининг замонавий асбоб-ускуна билан жиҳозланганини, шунингдек, уларда малакали мутахассисларнинг фаолият кўрсатаётгани ютуқлар омили бўлмоқда. Бундан ташқари, вилоятда наслли мол бош сонини кўпайтириш ва чорва касаллигига қарши курашни кучайтириш мақсадида тез орада яна 14 та ветеринария шохобчаси иш бошлайди.

**СУРАТДА: бошқарма бошлиғи Бахриддин Тонгёриқов ходимлар билан навбатдаги режалар хусусида суҳбатлашмоқда.**

**Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.**

Таассурот

**Аҳоли сони бўйича дунёда биринчи ўринда турган Хитой ўзининг кескин суръатлар билан ривожланиб бораётган афсонавий иқтисодиёти орқали ҳам бугун жаҳон афкор оммасини ҳайратга солмоқда. Мамлакат аҳоли зичлиги бўйича дунёда 100-ўринда, жон бошига сув тақсимоти жиҳатидан 114-ўринда туради. Лекин Хитой иқтисодиёти яқин бир аср давомида бошқа давлатлар тарихида кузатилмаган кўрсаткичлар билан жадал ривожланиб бораяпти. Бу мўъжиза халқаро экспертлар эътиборида турибди.**

# ИҚТИСОДИЙ МЎЪЖИЗАЛАР МАМЛАКАТИ



Ўзбекистон — Хитой муносабатлари ҳам жадал ривожланиб бораяпти. Ўтган йили Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзинтаонинг мамлакатимизга қилган расмий ташрифи ва жорий йилда давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг мазкур мамлакатга қилган давлат ташрифи томонлар ўртасидаги алоқаларни янада юқори босқичга кўтарди. Жумладан, икки томонлама имзоланган бир қатор ҳужжатлар ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини яратди. Қолаверса, давлат раҳбарлари даражасидаги учрашувда ўзаро битимларнинг имзоланиши ва келишувларга эришилиши шу пайтга қадар ҳамкорлигимизга тўсиқ бўлаётган бир қатор муаммоларни олиб ташлади. Жорий йилда икки томонлама маҳсулот айрибошлаш ҳажми 750 миллион АҚШ долларини ташкил этиши кутилаяпти. Ўтган йили бу кўрсаткич 560 миллион доллар эди. Агар 2002 йилдаги 180 миллион долларлик кўрсаткич билан таққослайдиган бўлсак, икки давлат ўртасидаги алоқаларда кескин бурилиш ясалганини кўриш мумкин.

Навбатдаги учрашувимиз Пекинда жойлашган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти котибиятида бўлиб ўтди. ШҲТ Ижрочи котиби Чжан Дэгуан Ер юзининг қарийб ярим аҳолисини қамраб олган мазкур халқаро ташкилот олдида турган вазифаларни батафсил сўзлаб берди. Хусусан, минтақада барқарорликни таъминлаш ташкилот олдидаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ҳозирда давлатлар хавфсизлигига дахл қилиб турган асосий глобал муаммо — бу халқаро терроризмдир. Ўтган тўрт йил мобайнида ШҲТ аъзолари ўртасида халқаро терроризмга қарши кураш, наркотраффикнинг олдини олиш бўйича бир қатор ҳужжатлар имзоланди. Аъзо давлатлар ҳуқуқ-тартибот идоралари ўртасида ахборот алмашинуви йўлга қўйилди. Бундан ташқари, Тошкентда ШҲТнинг Аксилтеррор маркази фаолият юритмоқда. Бу каби сайъ-ҳаракатлар албатта ўз самарасини бермоқда.

— Ўтган тўрт йил мобайнида ташкилотнинг аососий пойдевори қурилди, тўлиқ халқаро тузилма сифатида шаклланди, — дейди ШҲТ Ижрочи котиби Чжан Дэгуан. — Биз ҳозир аниқ режаларни амалга ошириш устида иш олиб бораяпмиз. Аъзо давлатлар ўртасида мустаҳкам алоқалар ўрнатилди. Давлат раҳбарлари даражасидаги учрашувлар доимий ўтказилиб келинмоқда. Аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирликлари учрашувлари анъанага айланди. Ҳиндистон, Эрон, Покистон ва Афғонистон ҳам ШҲТга аъзо бўлиб кириш истагини билдиришган. Бу эса, ўз навбатида, бугунги куннинг аниқ, долзарб масалаларини ҳал қилишни ташкилот ўз олдига мақсад қилиб қўйганидан дарак беради. Қолаверса, аъзолар сонининг кўпайиши ШҲТ салоҳияти янада ошишига замин яратади.

— ШҲТнинг алоҳида парламенти бўлиши мумкинми? — деб савол бердик биз котибга.

— Умумий парламент тузилиши учун ҳали ҳал қилиниши лозим бўлган бир неча масалалар мавжуд. Аммо, аъзо давлатлар парламентлари ўртасида доимий ҳамкорлик ўрнатилган. ШҲТ доирасида муҳим қарорларни қабул қилишда парламентлараро алоқаларнинг доимийлиги катта аҳамият касб этади.

— Сўнгги пайтларда Ғарб матбуотида ШҲТ НАТОга қарши тузилма сифатида шаклланди, деган турли миш-мишлар пайдо бўлмоқда...

— Бу нотўғри талқин, — дея кескин жавоб қайтарди Чжан Дэгуан. — ШҲТ ўта тинчликпарвар ташкилот. Баъзи экспертлар ва кузатувчилар шундай фикр билдираётган бўлса, бу улар ташкилотнинг мақсадларини аниқ тушунмаслигини кўрсатади. ШҲТнинг алоҳида армияси ёки тинчликпарвар кучлари йўқ-ку. Бундан ташқари, ташкилотнинг ҳар қандай қарори аъзоларнинг барчаси томонидан қўллаб-қувватлангандан сўнггина қабул қилинади. Мен хорижлик дўстларимизга яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиманки, ташкилот ҳақида фикр билдиришдан олдин бизнинг мана шу тамойилларимизга эътибор беришса яхши бўларди.

Хабарингиз бор, Қирғизистонда раҳбарият алмашди. Биз мазкур мамлакатнинг янги президенти билан ҳам, янги ташқи ишлар вазирлиги билан ҳам дўстона муносабатда бўлиб келмоқдамиз. Айтмоқчиманки, ШҲТнинг тамойиллари ҳеч қачон ўзгармайди. Сиз, марказий осиёлик журналистлар ҳузурида бир нарсани мамнуният билан таъкидламоқчиманки, ШҲТ фаолиятини доимий матбуотда ёритиб бориш учун келгуси йилдан бошлаб доимий равишда аъзо давлатларнинг етакчи оммавий ахборот воситалари вакилларини Пекинга ташрифларини ташкиллаштириб борамиз.

Биз, ўзбекистонлик журналистлар — «Жаҳон» АА мухбири Баҳодир Мамажонов, «Ёшлар» радиоканалининг «Аср» ахборот-таҳлилий эшиттириши бош муҳаррири Ғофур Жамолов, «Давр» ахборот дастурининг халқаро шарҳловчиси Собир Турдиев билан бирга Хитойга қилган сафаримиз давомида ушбу мамлакатнинг бугунги куни, ривожланишининг турли қирралари билан имкон қадар яқиндан танишишга ҳаракат қилдик.

— Айни пайтда Хитой ҳукумати Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга катта эътибор қаратмоқда, — дейди Хитой Ташқи ишлар вазири ёрдамчиси Шэнь Гуафан. — Ҳозирда давлатларимиз иқтисодиётининг ривожланиши биринчи галда қўшни мамлакатлар иқтисодиёти билан чамбарчас боғлиқ. Чунки минтақадаги барқарорлик барча соҳаларнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Вазирликнинг юқори мартабали вакили Хитойнинг бугунги кундаги ташқи алоқалари ҳақида қисқача сўзлаб берди. Ҳозир дунёнинг 163 мамлакатида Хитойнинг элчихона ва ваколатхоналари ишлаб турибди. 500 дан ортиқ хитойлик журналист хорижий давлатларда аккредитациядан ўтган.

Хитойнинг ташқи маҳсулот айрибошлаш ҳажми 2005 йилда 1 триллион 300 миллиард АҚШ долларини ташкил этиши кутилаяпти. Шундан 600 миллиард доллари импорт бўлса, 700 миллиард доллари экспортга тўғри келади. Яъни 100 миллиард доллар ижобий сальдога эришилади.

Хитой ҳукумати 2004 йилдаги иқтисодий кўрсаткичларни тадқиқ этиш жараёнида мамлакатнинг ялпи миллий маҳсулот ҳажми 17 фоиз кўп бўлгани, яъни салкам икки триллион АҚШ долларини ташкил этгани маълум бўлди. Бу кўрсаткич Хитойга ер юзидаги энг йирик иқтисодиётга эга бўлган тўртинчи давлат нуфузини тақдим этиши мумкин. Мамлакат статистика бюроси вакилининг изоҳ беришича, аввалги ҳисоб-китобларда хизматлар соҳасида қўлга киритилган ютуқлар инобатга олинмаган бўлиб, бунинг натижасида мазкур соҳанинг ўсиш суръатлари эътиборсиз қолдирилган. Хусусан, хизматлар соҳаси ялпи ички маҳсулотнинг 40,7 фоизини таъминлаши ҳамда иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари орасида энг жадал ривожланаётган соҳа эканлиги маълум бўлди. Айниқса, телекоммуникация, чакана савдо ва қурилиш соҳалари ривожи ушбу йўналишнинг тараққий этишида асосий ролни ўйнаган.

Ҳозирча Хитой ЯИМ ҳажми 1,668 триллион долларга тенглиги билан жаҳонда олтинчи поғонада турибди. Ундан АҚШ (2004 йилда ЯИМ ҳажми 11,75 триллион), Япония (3,7 триллион), Германия (2,36 триллион), Буюк Британия (2,13 триллион) ва Франция (1,7 триллион) олдинда бормоқда.

Тахминларга кўра, 2005 йили ХХР иқтисодий ўсиши 9,4 фоизни ташкил этган. Бундай ўсишдан сўнг, Хитойнинг ЯИМ ҳажми 2,16 триллион АҚШ долларига етади. Бу эса ХХРга Франция ва Буюк Британиядан илгарилаб кетиш имконини беради.



Баҳодир МАМАЖОНОВ олган суратлар.

**Юнус БЎРОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Тошкент — Пекин — Гуйлин — Шанхай — Тошкент.*

**(Давоми бор).**

# ОЛАМ НАФАСИ

**Янгиликлар, воқеалар, далиллар**

## Тўрт маротаба операция



***Исроил Бош вазири Ариэль Шарон яна бир бор операцияни бошдан кечирди, дея хабар беради «ИТАР-ТАСС». Қуддусдаги «Хадасса» шифохонаси шифокорларининг айтишича, операция муваффақиятли якунланган.***

***Эслатиб ўтамиз, Шарон 4 январда инсульт хасталиги билан шифохонага келтирилгандан сўнг тўрт маротаба жарроҳлик столига ётқизилди. Ҳалигача Бош вазирнинг соғлиғи ўнглангани йўқ, манбаларда келтирилишича, аҳвол бир хиллигича турибди.***

## Нефть нархи яна ошиши мумкин

***Эрон ҳукумати вакилининг Reuters ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида таъкидлаб айтишича, ядро дастури масаласида дипломатик йўл билан бир келишувга эришилмаса, расмий Теҳрон иккинчи бир йўлни танлайди, яъни нефть нархини кескин оширади.***



***Мамлакат Ташқи ишлар вазирлиги вакили Ҳамид Реза Азефий Эроннинг ядро дастури масаласини БМТ Хавфсизлик Кенгаши муҳокамасига киритилиши ҳеч қандай қонуний асосга эга эмаслигини таъкидлади. Ўз навбатида Эрон иқтисодиёт вазири Давуд Данеш ҳам чиқиш қилиб, БМТ Хавфсизлик Кенгаши тарафидан мамлакатга қўйиладиган ҳар қандай чора, у хоҳ иқтисодий, хоҳ сиёсий бўлсин, Ғарб кутмаган даражада нефть нархининг ошишига олиб келиши тўғрисида огоҳлантирди.***

## Чилининг янги президенти

***Чилида мамлакат президентлиги учун иккинчи тур сайловлар ниҳоясига етди. Унда сўллар коалицияси номзоди Мичель Бачелет ғалаба қозонди. У 53,5 фоиз овоз жамғариб, мамлакатнинг биринчи аёл президенти бўлди.***

***Унинг рақиби консерватор, миллионер Себастьян Пиньера Бачелетдан 6 фоиз кам овоз тўплаб, ўз мағлубиятини тан олди.***

***Эслатиб ўтамиз, Аугусто Пиночетнинг 1990 йилда якун топган 16 йиллик ҳарбий диктатурасидан сўнг мамлакатда тўртинчи маротаба президентлик сайлови ўтказилмоқда.***

## Дипломат ҳалок бўлди

***Канада ҳукумати вакилининг маълум қилишича, якшанба куни Афғонистонда рўй берган портлашлар оқибатида мазкур мамлакат ташқи ишлар вазирлиги бўлим бошлиғи Глинн Берри ҳам ҳалок бўлди. У Қандаҳорни тиклаш ишларига раҳбарлик қилаётган эди.***

***Канадалик дипломат билан бирга яна икки афғонистонлик ҳам қурбон бўлди. Мазкур хунрезликни толиблар ўз зиммасига олди. Ҳозирда мамлакатда тинчликни сақлаш мақсадида НАТОнинг 19 минг ҳарбийси фаолият юритаяпти. АҚШ ўз ҳарбийлари сонини қисқартиришни режалаштираяпти.***

***Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, ўтган йилларда толиблар билан бўлиб ўтган турли тўқнашувлар чоғида 1400 нафар одам қурбон бўлди.***

## Маҳбуслар озодликда

***Ўтган икки кун мобайнида Ироқдаги «Абу-Грейб» ва «Кэмп-Букка» қамоқхоналаридаги 500 нафарга яқин маҳбуслар озодликка чиқарилди. «Ал-Жазира» телеканалининг хабар тарқатишича, озодликка чиқарилган маҳбусларнинг аксариятини бундан бир неча ой олдин қамоққа олиниб, суд ҳукмисиз ушлаб турилган ироқликлар ташкил этади.***

***Озодликка чиқарилганлар орасида Буюк Британиянинг Reuters ахборот агентлигининг икки журналисти ҳам бор. Улар ўтган йил сентябрь ойида қамоққа олинганди. Америкалик генерал Марк Киммитнинг айтишича, тергов жараёнларида уларга қўйилган айблов ўз тасдиғини топмагандан сўнг шундай қарорга келинган.***

***Манбада келтирилишича, хориж оммавий ахборот воситаларида фаолият юритган уч нафар ироқлик журналист ҳали ҳам қамоқда ўтирибди.***

***Европа Иттифоқи Хитой томонидан импорт қилинаётган пойафзал маҳсулотларига нисбатан чеклов қўллаган тақдирда расмий Пекин Жаҳон савдо ташкилотига шикоят қилиши мумкинлигини билдирди. Ўтган ҳафтада мазкур масалада Брюсселда Еврокомиссия раҳбариятининг Хитой делегацияси билан ўтказган музокаралари муваффақиятсиз якунланди.***

## Пойафзал саноати синмоқда

***«ИТАР-ТАСС» ахборот агентлиги хабарида таъкидланишича, Хитойдан кириб келаётган арзон ва сифатли пойафзалларнинг кўпайиб бориши иттифоқ мамлакатларидаги енгил саноатни инқирозга учратмоқда. Ҳозирда италиялик тадбиркорлар Еврокомиссиядан мазкур масалада зудлик билан бирор чора қўллашни талаб қилишмоқда. Бироқ, кузатувчиларнинг айтишича, Еврокомиссиянинг Хитой билан ўтказаётган барча музокаралари ЕИга бирор фойда келтирмайди. Чунки Хитой ҳам ЖСТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси ва расмий Пекин хитойликларнинг дунё бозорида эркин савдо қилиш ҳуқуқини халқаро суд орқали ҳимоя қила олади.***



## Харажатларни қисқартирмоқчи

***General Motors раҳбарияти вакили жорий йилда харажатларни 4 миллиард долларгача қисқартиришни режалаштираётганини эълон қилди. Компания 2005 йилнинг биринчи чорагида 3,8 миллиард доллар зарар кўрди. Мутахассисларнинг изоҳ беришича, General Motors Осиё мамлакатларидаги автомобиль ишлаб чиқарувчилар билан вужудга келган кескин рақобатдан катта зарар кўраяпти.***

***Ҳозирда бир қатор таҳлилчилар компания маъмуриятини огоҳлантирмоқда. Уларнинг таъкидлашича, General Motors барча харажатларни назорат қилишнинг уддасидан чиқа олмаса, компания тез орада инқирозга юз тутиши мумкин.***

## Яширин қурол цехи

***«Интерфакс» ахборот агентлигининг хабар тарқатишича, Россия Федерал хавфсизлик хизмати ходимлари Ингушетиядаги Экажево қишлоғидаги яширин қурол-яроғ ишлаб чиқарувчи цехни йўқ қилдилар. Мазкур цехда ишлаб чиқарилган ўқотар қуроллар жангариларга етказиб берилган.***

***Бундан ташқари, махсус хизмат ходимлари воқеа жойидан 21 та шовқинсиз отадиган автомат, 21 дона пистолет ҳам топишди.***

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**

***Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкент филиалида илмий-амалий анжуманлар, иқтисодиёт муаммоларини ўрганиш билан боғлиқ ўқув-семинарлари ўтказиш яхши анъанага айланган.***

## Олимларнинг ўқув анжумани

Яқинда ушбу даргоҳда кафедра мудирлари, мутахассислар учун худди шундай илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг Миллий иқтисодиёт кафедраси мудири, таниқли олим, иқтисод фанлари доктори, профессор Рустам Нуреев иштирок этиб, анжуманда йиғилган ўзбекистонлик олимларга иқтисодиётдаги ислоҳотлар ҳамда соҳадаги муаммолар хусусида маъруза қилди. Россиялик мутахассиснинг бу йўналишдаги чиқишлари, шунингдек, Солиқ академияси, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Ислом университети, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Ўзбекистон Фанлар академияси ва бошқа олий ўқув юртларида ҳам ўтказилди.

Ҳар бир мамлакатнинг ривожи ўсиб бораётган иқтисодиёти ва унинг ютуқлари билан ўлчанади. Зеро, анжуманда бу борада билдирилган фикрлар, аниқ кўрсатилган таҳлиллар иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш самарадорлигини оширишга имкон яратади.

**Ўз мухбиримиз.**

# ХУДОЙБЕРДИ БОБОНИНГ ТЕРАКЛАРИ

**Орамиздаги одамлар**

Яккабоғда бир нуроний отахон бор. Унинг ҳаёти одамларга яхшилик қилиш, эзгуликка интилиш билан ўтаяпти. Ёши саксондан ошган бўлса-да, сира тинчимайди. Қачон кўрсангиз, бировларнинг ташвиши билан куйиб-ёниб юрган бўлади.

Худойберди бобо Ярашев десангиз, уни туманда ҳамма танийди. Ўзи истиқомат қиладиган Чуброн қишлоғи аҳолиси эса у билан фахрланади.

Отахон ҳақида «Юрагига қуёшни жойлаган одам» деган китоб ҳам ёзилган. Дарҳақиқат, Худойберди бобо қилган ишларни қалби қуёшдай қайноқ одамгина эплаши мумкин.

Чуброн қишлоғи Ҳисор тоғлари этагидаги қир-адирларга туташиб кетган. Чорва молларини боқиш учун қулай жой. Мустақиллик туфайли эркинлик бўлиб, эплаган одам чорвасини кўпайтириб олди. Меҳнатдан қочмаган оилалар рўзғорини қўй-эчкининг орқасидан тўкис қилди. Худойберди бобонинг ҳам қўрасига, гарчи сурув-сурув бўлмаса-да, ҳар ҳолда анчагина қўй-эчки кирди. Отахон ўйлаб-ўйлаб, уларнинг бир қисмини мактаб, болалар боғчаларига беришга қарор қилди.

2000 йил эди ўшанда. Тумандаги Раҳмон Мейлиев номли мактаб ва «Оймома» болалар боғчасига иккитадан қўй берди. Қўйларни кўпайтиришни, семиртиришни шарт қилиб қўйди. Кўпайтиргани келгуси йили яна иккита қўй олади, боқолмаганга эса ҳеч вақо йўқ.

Бу тадбирни отахон ўзига илм берган устозларига бағишлади. Кейинги йилларда бу анъана давом этди. «Юлдузча», «Оймома» ва «Қалдирғоч-2», «Қалдирғоч-1» болалар боғчалари иккитадан қўй олди. Чубронлик кам таъминланган оилалардан бирига ҳам сигир, ҳам қўй-эчки улашди. Яна ўша шарт: берилган молни кўпайтириш. Мақсад эса битта — одамларни боқимандаликка ўргатиб қўймаслик.

Худойберди бобонинг саховатидан баҳраманд бўлганлар сони йилдан-йилга ортиб бораяпти. Ҳатто бир неча мактаб ўқувчилари учун шахсий маблағи ҳисобидан стипендия таъсис этиб, «аъло» баҳоларда ўқиганларни рағбатлантирмоқда.

Отахоннинг ёшларга меҳрибонлиги бежиз эмас, албатта. Унинг болалиги оғир йилларга тўғри келди. Очарчилик, уруш туфайли ўқишни ташлаб, чўпонлик қилишга мажбур бўлди. Лекин ўқишни давом эттириш ниятидан қайтмади. Имкон туғилди дегунча, мактабга талпинди. Оилали, фарзандли бўлишига қарамасдан, аввал ўрта маълумот олди, кейин олий ўқув юртида ўқиди. Кўп йиллар мактабларда ўқитувчи, директор бўлиб ишлади. Ҳамиша илмни қадрлади. Нафақага чиққанидан кейин ҳам мактабдан қадамини узмади.

Худойберди бобони таниган одамлар, жумладан, ҳамқишлоқлари унинг саховатпешалиги, куйди-пишдилиги ҳақида кўп нарсани гапириб беришади. Уларни эзгулик, одамийлик, фидойилик ҳақидаги ривоятдек эшитасиз.

Яқинда отахоннинг ҳозирги кунлардаги ишлари билан танишиш, суҳбатларини олиш учун Чуброн қишлоғига бордим.

— Э, у киши уйда ўтирармиди? Даштга кетган, — деди унинг турмуш ўртоғи Хушвақт момо. — Бугун мактабларга терак берармиш. Биласизми, даштга эккан тераклари ёғоч бўлиб қолди. Шуни мактаб қурилиши учун тарқатмоқчи. Ўғилларимиз Шокир, Зокир борса ҳам бўларди. Лекин ўзи иш бошида ўтирмаса, бировга ишонмайди.

Шунда Худойберди бобонинг теракзори ҳақидаги гаплар ёдимга тушди. Қишлоқ тоғ этагида жойлашган бўлсада, оқар сув кам. Деҳқончилик ҳам лалми — одамлар осмондан тушадиган ёмғирга қараб қолган. Худойберди бобо эса бошқа фикрда. Сув тақчил шароитда ҳам боғ яратса бўлади, деб ишонади.

Шу ишонч туфайли қишлоқда унинг ҳовлиси йил бўйи ям-яшил арчазор. У ишлаган мактаб ҳовлисида ҳам арча барқ уриб ўсаяпти. Уйининг ёнидаги катта майдон тутзор. Ҳаммаси унинг ташаббуси билан бўлган, унинг меҳнати билан яратилган. Бундан бир неча йил илгари теракка ишқи тушиб қолган эди. Хўжалик раҳбарлари билан келишиб, икки қир ўртасидаги сойликка дастлаб 20 минг туп терак экди. Кейин ёнига яна 73 минг туп қўшди. Ўғлларини ёнига олиб, теракларни парваришлади. Бугун уларнинг олди ёғоч бўлиб, элнинг корига яраяпти.

Худойберди бобонинг фидойилиги, саховатпешалиги ҳақида эшитган киши унинг бойлиги ошиб-тошиб кетган бўлса керак, деб ўйласа, ажабмас. Уй-жойини, туриш-турмушини кўрган киши эса унинг оддий қишлоқ одами эканлигига, бутун бойлиги ён-атрофидаги инсонларга чексиз меҳр-муҳаббат билан тўлиб-тошган қайноқ қалби, ишлаб чарчамайдиган қадоқ қўли, ҳамиша эзгуликка ундовчи онги-шуури эканлигига ишонч ҳосил қилади.

Шундай одамлар ҳамиша бор бўлсин!

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Теран томирларимиз

КИТОБЛАР ОЛАМИДА



***Кейинги пайтларда бобокалон алломаларимизнинг номлари тикланаётгани, уларнинг илмий-маънавий мерослари ўрганилаётгани нур устига аъло нур бўлмоқда. Хусусан, Термиз шаҳридан етишиб чиққан ўнлаб, юзлаб олиму уламолар, фозилу фузалоларнинг ат-Термизий нисбаси билан аталган табаррук номлари, асарлари ҳам аста-секин ўрганилмоқда.***

Яқинда «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририятида нашр этилган «Икки буюк донишманд» номли рисолани шу йўлдаги изланишлар дебочаси дейиш мумкин. Тарих фанлари доктори, профессор Убайдулла Уватов қаламига мансуб мазкур китобча Абу Исо ат-Термизий ва ал-Ҳаким ат-Термизий ҳақида бўлиб, унда икки буюк алломанинг ибратларга тўлиқ ҳаёти ва бетакрор илмий фаолияти тўғрисида маълумотлар берилган. Муаллиф таъбирича, камтарона рисола «хамир учидан патир» ҳисобланади.

Асарда Абу Исо ат-Термизийнинг ҳаёти, ижоди, унинг пайғамбар алайҳиссалом ҳадисларини саҳийҳ (тўғри, ишончли), ҳасан (яхши, маъқул), заийф (бўш, ишончсиз), ғарийб (ғалати) каби хилларга бўлиб, алоҳида эътибор билан ўргангани қайд этилади. Шунингдек, унинг зеҳни ўткирлиги ҳамда қувваи ҳофизасининг кучлилиги ҳақидаги тарихий манбалардан келтирилган ҳикоят, ривоятлар ўқувчида катта таассурот қолдиради. Ҳадис илмининг равнақига муносиб ҳисса қўшган буюк аллома бўлгани учун ҳам Имом ал-Бухорий унга «Мен сендан кўрган фойда сен мендан кўрган фойдадан кўпроқ», дея таъриф бергани бежиз эмас.

Худди шунингдек, ал-Ҳаким ат-Термизий ҳам жаҳоний эҳтиромга сазовор бўлган термизлик буюк сиймолардан бири саналади. Рисолада унинг ўндан ортиқ устозлари, шогирдлари ҳақида турли манбалардан олинган маълумотлар келтириладики, булар асар муаллифининг нечоғли кўп манбалар устида илмий иш олиб борганидан далолат беради. Алломанинг Париж, Қоҳира, Дамашқ, Искандария, Истамбул ва Лондонда сақланаётган қўлёзмалари, бизгача етиб келмаган асарлари ҳақидаги маълумотлар ҳам ўқувчи эътиборини тортади. Рисола муаллифи ат-Термизий асарларини мавзу жиҳатидан ҳам тасниф этиб, уларни мажмуаларга бўлади ва ҳар бирини изоҳ билан ўқувчига тушунтиришга ҳаракат қилади.

Ҳар иккала алломанинг асарлари нафақат диний илмлар мажмуасига, балки дунёвий илмларга оид маълумотларга ҳам бойдир. Шу боис буюк бобокалонларимизнинг шахсий ҳаёти ва уларнинг бой маънавий меросини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эгадир. Зеро, бундай меросни кенг китобхонлар оммасига етказишда муаллиф-олимнинг меҳнати беқиёс.

**У.ФАЙЗИЕВА.**

КАММАЗ АРСЕНАЛ
юк машиналари учун
ШИНА
таклиф этади
Тел.: 152-73-81, 151-20-90, 151-20-33.
Сайт: www.uzkam.com
Товар сертификатланган
Манзил: Тошкент ш., Братислава к., 11 (мўлжал – Бобур боғи)

МАНЗАРАЛИ ДАРАХТ, АРЧА КЎЧАТЛАРИНИ ЭКИБ ҲОВЛИНГИЗНИ БЕЗАМОҚЧИМИСИЗ?
МАРҲАМАТ, АРЗОН НАРХЛАРДА, ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН:
1. СОСНА – 40 000 ДОНА
2. МОЖЖЕВЕЛЬНИК – 35 000 ДОНА
3. КИПАРИС – 1 500 ДОНА
4. ТУЙЯ – 10 000 ДОНА.
Тўлов шакли сиз хоҳлагандай.
Манзил: Термиз шаҳри, Пахтакор кўчаси, 13-уй.
Телефонлар: (8-376-22) 4-95-87, 4-80-26, 3-65-34, 7-24-15.

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

## Журналист касбини ўзгартиради

***Қизиқ, газетага материал тайёрлаш учун бирор идоранинг эшигини қоқсангиз, аввал рухсатнома сўрашади, сўнг "маълумотнома" тарзидаги ахборотни қўлингизга тутқазиб, мақола тайёр бўлгандан сўнг, бир ўқитишларини эслатишади. Илтимосингиз ерда қолмагани учун сизга мурувват кўрсатган масъул ходимга минг бир ташаккур айтиб, идорадан узоқлашасиз. Бундай ахборотдан "бунёд" бўлган мақолани газетхон қай тарзда қабул қилишини тасаввур қилаверинг.***

# ТУНГИ БАРДА БИР КУН

Хуллас, ҳаётий мақола ёзишга аҳд қилдим. Бунинг учун, аввало, кишини доим ўтиришга ундайдиган курсидан воз кечиш керак. Шундай ҳам бўлди. Курсидан ҳам, "мухбирлик"дан ҳам бир пасда "воз кечилди". Ахир, мақсадга эришиш керак. Қарангки, ҳадеганда "лаббай" топилмайди. Даставвал, таниш-билишлардан сўраб-суриштириб, пойтахтимизнинг машҳур "Бродвей"идаги кафе-барлардан бирида официантликка чаққон, хушмуомала қизлар ишга олинишини, кунлик иш учун дурустгина ҳақ тўланишини билиб, айтилган манзилга йўл олдим. Танишларимнинг гап-сўзларига қараганда, ўзимга яраша эпчилгинаман. Демак, бу ишни эпласам керак. Иш ҳақи бир кунга 3 минг сўм (қўлга тегадигани!). Демак, бир ойга — 90 минг сўм. Хўш, бу камми, кўпми? Бугунги бозор иқтисодиёти даврида кам эмас. Лекин буни осонгина ишлаб топса бўладими? Ёки 90 минг учун кун бўйи бировнинг қошқовоғига қараб ўтиришинг, ўз иродангни бировнинг компасига тўғрилашга жонжаҳд билан уринишинг, тўнингни минг бир рангга бўяшинг шартми. Минг бир хаёлда "Бродвей"даги машҳур кафега, аниқроғи, барга кириб бордим. Одам кўп (кун совуқ бўлса-да, ҳаммаси очиқ-сочиқ кийимда!). Мусиқанинг баландлигидан қандай қўшиқ айтилаётганини англаш мушкул. Шу пайт ажнабийча кийинган, сочи турмакланган йигит менга пешвоз чиқиб, буюртмага келган бўлсам, барча жойлар банд эканини айтди. Эълон бўйича иш сўраб келганимни эшитгач, бир пас кутиб туришимни, ҳозир "шеф"дан рухсат сўраб чиқишини айтиб, ғойиб бўлди. Кам эмас, кўп эмас, уч соат кутдим. Ва ниҳоят, ҳожатбарор йигит кўринди (унга ўзимча шундай ном қўйдим, чунки исми эсда қоларли эмас, аллақандай "ажнабийча" эди-да). Кулиб келишидан иш ҳал бўлганга ўхшайди. Тахминим тўғри чиқди. "Шеф" бир кунлик синов билан ишлашимни, агар маъқул тушсам, доимий ишлашга рухсат тегишини айтди.

Ниҳоят, ишга киришдим. Вазифам — хўрандаларга хизмат кўрсатиш, буюртма қабул қилиш ва ҳисоб-китоб "план"ини ошириб бажариш! Бу бир қарашда оддий юмушдек туюлганди. Аммо бировнинг кўнглига йўл топа билиш мен ўйлагандек осон эмас экан. Буни бўлиб ўтган баъзи воқеалардан кейин янада чуқур ҳис қилдим.

Шундай қилиб, биринчи хўранда билан "тўқнашув"им бу ерда ҳар бир нарсага эътиборлироқ бўлиш кераклигини яна бир карра кўрсатди. Қўлида сигарет тутган, тахминан 17-18 ёшлардаги йигитча атрофдаги қизларга тегажоқлик қила бошлади. Ҳайратланарлиси, унинг бу қилиғига бардаги хизматчилар умуман эътибор бермасди. Вазифамни адо этаётган "официант" сифатида уни тартибга чақирмоқчи бўлдим. Ҳали гапириб улгурмасимдан кимдир елкамдан тортди. Ҳамроҳим — чиройлигина қиз. У имо-ишора орқали ортиқча гапирмаслигимни, бу йигит аллақайси катта жойда ишлайдиган катта мансабдорнинг фарзанди эканини қулоғимга шипшиди. Хайриятки, "ўчиб" қолган йигит гапларимни англашга улгурмади. Ёнидаги қизга алланималар тўғрисида гапириб, энди унинг кўнглини "овлай" бошлади. Шу зайлда кунни ҳам кеч қилдим. Чўнтагимдаги пулларни санаб, ҳафсалам пир бўлди. Ҳамроҳим эса нархни шу қадар ошириб айтардики, у бу йўл билан ҳам "план"ни бажарарди, ҳам кунлик даромадини топарди. Унинг устамонлигига қойил қолмасдан илож йўқ.



Ниҳоят кеч ҳам бўлди. Мижозлар кўпайгандан кўпая бошлади. Атрофни кузатаман. Шовқин-сурон. Ёш, келишган, яхши кийинган чиройли йигит-қизлар. Улар янграётган хориж мусиқасига шундай рақс тушишардики, бу ҳолат сизга ҳам эриш туюларди, ўша лаҳзада. Йигитлар қизларга шу даражада ёпишганки, бу ерда мумкин эмас, деган нарсанинг ўзи йўқ. Ўх-ҳў, дейман ўзимга ўзим, ана сизга мароқли дам олишу ана сизга «эркинлик!»

Хаёлим икки қизнинг муштлашувидан бўлинди. Уларни бир пасда йигитлар ўраб олишди. "Ставка" бошланди. Ҳар бир йигит ўзига ёққан қизга нарх қўйрди. Қизлар бировдан тап тортмай, жон-жаҳдлари билан олишарди. Чидаб туролмадим. Орага тушиб, бир муштли бўлдим ҳам. Ниҳоят жанжалга якун ясалди. Кеча "қаҳрамон"ига айландим. Пешонамга муз қўяётган ҳамроҳимнинг кулгуси атрофдагиларга ҳам кўчди. Улар муштлашув шунчаки "ўйин"лигини, бу дам олишнинг антиқа усули эканлигини айтиб, яна асабимни таранг қилишди.

Истаймизми-йўқми, бу айрим ёшларнинг бугуни. Уларнинг орият, ғурур туйғусидан узоқда камол топаётгани ачинарли. Мен ўша пайтда тунги барда бир кунимни беҳудага ўтказганимдан афсусландим. Аммо бир ёшликнинг энг гўзал дамларини ўткинчи ҳою-ҳаваслар билан ўтказаётганларчи? Уларнинг кейинчалик афсусланиши эртанги ҳаётни, келажакни ўзгартира оладими?

Шу пайт ҳожатбарор йигит мени "шеф" йўқлаётганини, "план" билан олдига киришимни айтиб, омад тилади. Шовқин-сурондан узоқлашиб, тинч хонага кирдим. Қўлида сигарет тутган (барда ҳам худди шу каби ҳолат мени ажаблантирганди), бақалоқ киши менга пешвоз чиқди. Мулозамат билан ўтиришга ўрин кўрсатди. Қаерданлигим, нима мақсадда иш сўраб келганлигимни обдон сўраб, агар муаммо бўлса, дарров ҳал этиб беришини ҳам гапида қистириб ўтди. Суҳбатимизнинг бу қадар жиддийлашишидан чўчиб, унга очиғини айтиб қўя қолдим. Бирдан жанобнинг юзи ўзгарди. Муомаласи ҳам. Энди у кўз ўнгимда эҳтиёткор одам ролини қойилмақом ижро этарди. Биргина шу ҳолат кўп нарсаларни англатишини, нима учун ҳаётий мақола ёзиш осон эмаслигини тушунгандай бўлдим.

"Шеф" га ваъда берганим учун мақолада исмларни очиқ келтирмадим. Фақат шу манзарани бир тексда қоғозга туширдим, холос. "Шеф" дан олган маълумотлар, кейинги йил режалари эса ўқувчини қизиқтирмайди, деган хулосада мақоланинг худди шу ерида нуқта қўя қолдим. Бир кунлик иш ҳақим эса бар ҳисобида қолди.

**Зиёда АШУРОВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## Спорт

### Миржалол катта футбол билан хайрлашди

Ўзбекистон терма жамоаси сардори Миржалол Қосимов 20 йиллик фаолиятидан сўнг катта футбол билан хайрлашишини маълум қилди, деб хабар беради ЎФФ ахборот-таҳлил бўлими. Ўтган давр мобайнида Миржалол ўзбек футболини ривожлантиришда, уни жаҳон майдонларига олиб чиқишда бор имкониятларини кўрсатди. У уч мамлакатдаги 5 та клубда тўп сурди. "Крилья Советов", "Алания" (Россия), "Ал-Шабаб" (Бирлашган Араб Амирликлари), "Пахтакор", "Машъал" (Ўзбекистон) жамоаларида фаолият кўрсатган даврларида доимо мухлислари ишончини оқлай олди. "Алания" сафида Россия чемпиони бўлган Миржалол "Пахтакор" таркибида бир неча бор Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритди.

Шунингдек, 1987 йилда собиқ иттифоқ ёшлар терма жамоаси таркибида жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. Миржалол 1994 йил Ўзбекистон терма жамоаси билан Японияда ўтказилган Осиё ўйинларида ғолиб чиққан эди. М. Қосимов ўз фаолиятини "Машъал" мураббийлари штабида давом эттиришини айтиб ўтган.

Миржалол Қосимовнинг терма жамоа билан хайрлашиш маросими 22 февраль куни Бангладеш футболчиларига қарши ўйинда ўтказилади. У Осиё чемпионати саралаш баҳсларини очувчи мазкур ўйинда терма жамоани сардор сифатида майдонга олиб тушиши кутилмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон футбол федерацияси Миржалолнинг хайрлашиш маросимини муносиб нишонлаш учун, шу йилнинг ёз ойларида Қосимовнинг жамоадошлари ҳамда Осиё терма жамоаси ўртасида ўртоқлик учрашуви ўтказишни ҳам режалаштирган.



### «Пахтакор» чорак финалда

Мамлакатимиз бош жамоаси "Пахтакор" МДҲ чемпионлари кубоги баҳсларини муваффақиятли бошлади. Ҳамюртларимиз биринчи учрашувда Эстониянинг ТФМК жамоаси дарвозасига жавобсиз учта тўп йўллаганди.

Иккинчи учрашув Грузия чемпиони "Динамо" (Тбилиси) жамоасига қарши ўтказилди. Ушбу ўйинда ҳам ўзбекистонлик футболчилар рақибларидан анча устун эканликларини намойиш этиб, 2:1 ҳисобида зафар қучдилар. Тўпларни вакилларимиздан Зайниддин Тожиев ва Сервер Жепаровлар киритди. Олти очко "Пахтакор"га муддатидан олдин чорак финални нақд қилиб қўйди.

## 64 катак ичида

*Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ 2007 ўтказиладиган жаҳон чемпионати саралаш босқичи қуръа натижаларини эълон қилди.*

### Жаҳон чемпионати олдидан



ФИДЕнинг янги қоидаларига кўра, ғолиб номи дунёнинг саккиз нафар энг кучли гроссмейстерлари орасидан икки даврали ўйинлар орқали аниқлаб олинади. Бу ҳақда Россия шахмат федерациясининг махсус интернет сайти хабар тарқатди.

Ҳозирда жаҳон чемпионатида қатнашадиган тўрт нафар шахматчининг номи маълум. Улар — ўтган йили Аргентинанинг Сан-Луис шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионати ғолиби Веселин Топалов (Болгария) ва 2-4 ўрин соҳиблари Пётр Свидлер (Россия), Вишванатан Ананд (Ҳиндистон) ва Александр Морозевич (Россия)лардир. Қолган тўрт нафар иштирокчи ФИДЕ рейтингида юқори ўринларни эгаллаб турган ўн олти шахматчи орасидан саралаб олинади.

Саралаш учрашувларида ҳар бир жуфтлик нокаут тизимида классик шахмат бўйича олти партиядан иборат учрашув ўтказади. Дуранг натижа қайд этилган тақдирда ғолиб номи қисқартирилган партияларда аниқланади. Иштирокчидан кучли тўртликка кириш учун камида икки партияда ғалаба қозониш талаб этилади. Саралаш учрашувларининг дастлабкиси жорий йилнинг 20-31 октябрь кунлари ўтказилади. Ҳамюртимиз, собиқ жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов биринчи ўйинни Исроил вакили Борис Гельфандга қарши ўтказади.

Саралаш босқичида қатнашадиган қолган жуфтликлар қуйидагича кўриниш олган: Руслан Пономарёв (Украина) — Сергей Рублевский (Россия), Александр Гришчук (Россия) — Владимир Малахов (Россия), Юдит Полгар (Венгрия) — Евгений Бареев (Россия), Левон Аронян (Арманистон) — Магнус Карлсен (Норвегия), Петер Леко (Венгрия) — Михаил Гуревич (Бельгия), Этьен Бакро (Франция) — Гата Камский (АҚШ), Алексей Широв (Испания) — Майкл Адамс (Буюк Британия).

**З. ЖОНИБЕКОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**


*Ҳурматли юртдошлар, Ватан ҳимоячилари!*

IPOTEKA BANK

**ИПОТЕКА БАНК**

**Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан янги 2 ой муддатга қабул қилинадиган йиллик 36 фоиз устама тўланадиган «Посбон» омонат турини таклиф этади.**

Омонат 2006 йилнинг 1 февралигача қабул қилинади.
Бундан ташқари қуйидаги омонатларга ҳам маблағлар қабул қилиниши давом этмоқда.



| | Йиллик фоиз | Муддат |
|---|---|---|
| «Адолат» | 35% | 6 ойга |
| «Жозиба» | 35% | 3 ойга |
| «Маиший тўлов» | 30% | 12 ойга |
| «Нур» | 28% | 15 кунга |
| «Баҳор» | 24% | 45 кунга |

СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН.

Мурожаат учун телефонлар:
(8-371) 132-13-18, 133-31-62.

*Омонатингизни ишончли қўлларда сақланг.*

**ИПОТЕКА БАНК**
**капиталингиз кўпайишига имконият яратади.**

2007Т/



**Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!**

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ**

*қуйидаги иншоотларни тўлиқ қуриб битказиш шарти билан қуришга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича*

*танлов савдолари эълон қилади:*

1. **Андижон шаҳри, Боғишамол даҳасида болалар спорт мажмуаси (V-тип) қурилиши.**
2. **Булоқбоши тумани, «Жўраполвон» ширкат хўжалигида болалар спорт майдонини реконструкция қилиш.**
3. **Избоскан тумани, Чувама қишлоғида болалар спорт майдонини реконструкция қилиш.**
4. **Пахтаобод тумани, «Намуна» ширкат хўжалигида болалар спорт майдонини реконструкция қилиш.**

**Буюртмачи — Андижон вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси (Андижон шаҳри, А. Навоий кўчаси, 45-уй.)**
**Қурилиш ишларини молиялаштириш «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган 2006 йил учун Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.**
**Қурилиш ишларни тугаллаш муддати — 210 кун.**

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: *танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.*

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Андижон вилоятининг қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

**Андижон ш., Б.Ҳакимов к., 14-а уй. Тел./факс: 24-72-79.**

*Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.*

*Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан 30 кун ўтганидан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.*

2006Н/68



**ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН**
**автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқарилган кенг ассортиментдаги**

**ШИНАЛАРНИ сотади:**

Волтайр



ЕНГИЛ МАШИНАЛАР УЧУН, ЕНГИЛ ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ОҒИР ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ УЧУН

Телефонлари: (99871) 137-10-61, 137-20-76, 137-20-84, 334-64-21.

ROSAVA **АККУМУЛЯТОРЛАР** WESTA

ИСТОК — Россия, Курск шаҳри. NEW. Украина, Днепропетровск

*Шиналар буюртма бўйича 30-35 кунда Украина ва Россиядан вагонларда келтирилади.*

ТОВАРЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН. ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГ.

**Улгуржи ва чакана савдо қилиш филиаллари манзиллари:**
Наманган ш., «Дўстлик» шоҳкўчаси, 1-А уй. Тел.: (3692) 24-56-60.
Андижон ш., «Мирпўстин» к., 20-уй. Тел.: (3742) 24-04-88.
Данғара ш., «Тошкент» к., 74-уй. Тел.: (37357) 2-19-06.
Термиз ш., Ч.Сафаров к., 80-уй. Тел.: (37622) 2-45-85.

1658Н/2404


Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси жамоаси таниқли рассом

**Ситмамат ҚАЛАНДАРОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг яқинлари ва дўстларига чуқур таъзия изҳор этади.

---

«Фармед» хусусий фирмаси жамоаси бош директор муовини Зулфия Ортиқовага волидаи муҳтарамаси

**Вера ОРТИҚОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

«Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси жамоаси «Ўзспиртсаноат» акциядорлик компанияси бошқаруви раиси ўринбосари Эркинжон Ураловга волидаи муҳтарамаси

**ХОСИЯТ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Бирлашган касаба уюшма қўмитаси Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг фахрий профессори

**Ғайрат Абдуваҳобович РАФИҚОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

---

«Ўзфармсаноат» ДАК жамоаси бошқарув раиси Баҳодир Юнусовга онаси

**Ҳури ЮНУСОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

«Мева-Шарбат» корпорацияси ҳамда Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институти жамоалари корпорациянинг Самарқанд «Мева — кўчатчилик» тажриба хўжалиги директори

**Абдулла УМАРОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 359. 34270 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;*
*Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар
Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — С. Дониёров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни 21.00 Топширилди 21.10 23456